



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING QARORI

2025 yil « 19 » сентябрь

№ ПҚ–290

Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатида ислохотларни жадаллаштириш ва экспорт салоҳиятини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида

Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатида амалга оширилаётган ислохотларни янада жадаллаштириш, соҳани диверсификация қилиш учун қулай шарт-шароит яратиш, хомашёни чуқур қайта ишлаш ва тайёр маҳсулотлар экспортини ошириш мақсадида **қарор қиламан:**

I. Асосий мақсадлар

1. Қуйидагилар тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатида 2026 йил учун асосий **мақсадли кўрсаткичлар** этиб белгилансин:

- (а) ишлаб чиқариш ҳажми **9 фоизга** ўсишини таъминлаш ва **146 триллион сўмга** етказиш;
- (б) соҳага **2 миллиард АҚШ доллари** миқдорида хорижий инвестицияларни жалб қилиш;
- (в) экспортни **3,3 миллиард АҚШ долларига** етказиш;
- (г) соҳада амалга оширилаётган лойиҳалар доирасида **50 мингта** иш ўринларини яратиш.

II. Пахта-тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноати корхоналарини молиявий соғломлаштиришга қаратилган амалий чора-тадбирлар

2. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Марказий банкнинг пахта-тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноати корхоналарини **молиявий соғломлаштиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш** тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

3. Белгилансинки, пахта-тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноати корхоналарини молиявий соғломлаштириш чора-тадбирлари доирасида Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси (кейинги ўринларда – Жамғарма) маблағлари ҳисобидан тижорат банклари орқали 2022–2023 йиллар пахта ҳосилига ажратилган кредитлардан қарздорлиги мавжуд бўлган пахта-тўқимачилик кластерлари (кейинги ўринларда – кластерлар) бўйича:

- (а) гаров таъминотини мол-мулк билан тўлиқ таъминлаган кластерларга **2025 йил 1 августдан бошлаб** фақат асосий қарзни тўлашга ҳамда асосий қарз тугагандан кейинги 12 ойда тенг улушларда фоиз тўлашга рухсат этилади. Бунда Жамғарма бюджет ссудаси учун фоиз тўловларини мазкур бандда назарда тутилган тўловларга мутаносиб равишда амалга оширади;
- (б) амалдаги тўлов графиги бўйича ҳам асосий қарз, ҳам фоизини ўз вақтида тўлаган кластерларга ушбу кредитлар бўйича Жамғармага жорий йил 1 августдан кейин ундирилган фоиз суммасининг эллик фоизи қайтариб берилади;
- (в) **2025 йил 1 август** ҳолатига тўланмаган фоизларга ҳисобланган **пеня суммалари ҳисобдан чиқарилади;**
- (г) **2025 йил 1 августга** қадар тўланмаган фоизлар учун ундирилган пеня суммалари тўлиқ равишда **кредит бўйича асосий қарзни камайтиришга, асосий қарз мавжуд бўлмаган тақдирда, амалдаги бошқа кредитларнинг асосий қарзини қоплашга йўналтирилади;**
- (д) тижорат банклари томонидан 2025 йил 1 августга қадар ундирилган ва асосий қарзни камайтирган ҳолда Жамғармага йўналтирилган пеня суммалари Давлат бюджетидан Жамғармага ажратилган ссуданинг тўлов графигидаги суммани камайтириш ҳисобига чегириб ташланади. Бунда чегириладиган сумма Давлат молиявий назорати инспекцияси томонидан аниқланади.

4. Бош прокуратура ва Солиқ қўмитаси:

- (а) **бир кун муддатда** тўланмаган фоизлар учун пеня ҳисобланган кластерлар ва ип-йигирув корхоналарининг ҳар бирига Давлат молиявий назорати инспекцияси ва Солиқ қўмитасидан масъул ходимларни бириктирсин;
- (б) ушбу қарорнинг 3-бандида белгиланган чора-тадбирлар ижроси сўзсиз ва сифатли бажарилиши устидан қатъий назорат ўрнатсин;
- (в) амалга оширилган ишлар юзасидан **2025 йил 10 октябрга** қадар Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ахборот киритсин.

5. Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар ҳисобидан Жамғарма орқали:

- (а) 2025 йил пахта ҳосилини нобуд қилмасдан, ўз вақтида териб олишни таъминлаш мақсадида фермер хўжаликларига улар томонидан қайта ишловчи корхоналарга, шу жумладан, кластерларга биржа савдолари орқали сотилган (электрон ҳисоб-фактура расмийлаштирилган) ҳар бир тонна пахта хомашёси учун **бир миллион сўмдан** субсидия ажратилсин;
- (б) кластерлар ва тармоқ корхоналари ўз маблағи ҳисобидан пахта етиштирса ёки харид қилса, хомашё қийматининг 10 фоизи миқдорида қоплаб берилсин.

6. Белгилаб қўйилсинки, 2026 йилдан бошлаб:

- (а) пахта ҳосили учун Жамғармадан бериладиган имтиёзли кредитлар фақат пахта толасини қайта ишлаш қувватлари мавжуд ёки ип-йигирув корхоналари билан кооперация тизимини йўлга қўйган кластерларга ажратилади;
- (б) пахта хомашёсини биржа савдолари орқали харид қилишда кластерларнинг ишлаб чиқариш қувватларига мос ҳажмларда шартномалар (фьючерс, форвард ва спот) тузилади;
- (в) Жамғарма маблағлари ҳисобидан молия йилидан бир йил аввалги пахта ҳосилининг якуний ҳисоб-китоблари учун ажратилган имтиёзли кредитларни белгиланган муддатларда тўлиқ қайтармаган кластерлар ва тўқимачилик корхоналарининг биржа савдолари орқали фьючерс шартномаси асосида пахта хомашёси харид қилишига йўл қўйилмайди.

7. Бош вазир ўринбосари Ж.Қўчқоров, Марказий банк, Енгил саноатни ривожлантириш агентлиги **бир ой** муддатда:

- (а) тижорат кредитдан мажбурияти мавжуд бўлган кластерлар, тўқимачилик ва тикув-трикотаж корхоналарини соғломлаштириш бўйича ҳар бир корхона кесимида аниқ чораларни ишлаб чиқсин;
- (б) соғломлаштириш имконияти мавжуд деб топилган корхоналарнинг тижорат кредитлари муддатини **7 йилгача** узайтириб бериш чораларини кўрсин.

III. Имтиёзлар

8. 2025 йил 1 сентябрдан уч йил муддатга:

- (а) кластерлар, тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноати корхоналарига ижтимоий солиқ ставкаси **1 фоиз** этиб белгилансин;
- (б) белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхатлар бўйича олиб кириладиган ва Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган аралаш мато ва газлама маҳсулотлари, чарм ва ипак саноати учун зарур хомашёлар божхона божидан озод этилсин.

9. Меҳнат шартномаси асосида ишлаётган ходимлари сони **200 нафардан ортиқ** бўлган пахта-тўқимачилик ва тикув-трикотаж корхоналари томонидан ташкил этилган мактабгача таълим ташкилотларига оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари учун белгиланган шартларда Давлат бюджетидан субсидия ажратилиши белгилаб қўйилсин.

IV. Тўқимачилик ва тикув-трикотаж корхоналарида ишлаб чиқариш ва экспорт ҳажмини оширишни қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар

10. Ишлаб чиқариш корхоналарида энергия самарадорлигини оширишни қўллаб-қувватлаш мақсадида:

- (а) ишлаб чиқариш корхоналари томонидан қуввати 1 МВтдан ортиқ қуёш панелларида ўз истеъмолидан ортиқ ишлаб чиқарилган электр энергиясини ягона энергетика тизимида қабул қилиш ва сотиб олиш тартиби Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади;

- (б) ишлаб чиқариш корхоналарида қуёш фотоэлектр станцияларини қуриш мақсадида олинадиган кредитлар бўйича кредит фоизи ставкасининг **10 фоиз бандигача қисми** Энергия самарадорлигини рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қоплаб берилади;
- (в) ишлаб чиқариш корхоналарида қуёш фотоэлектр станцияларини қуриш ишларини молиялаштириш мақсадида халқаро молия институтлари ҳамда хорижий банкларнинг **200 миллион АҚШ доллари** миқдоригаги узоқ муддатли имтиёзли кредит линиялари жалб қилинади.

11. Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги:

- (а) **2026 йил 1 августга** қадар халқаро сертификатга эга тўқимачилик ва тикув-трикотаж корхоналари сонини **300 тага етказсин**;
- (б) **2025 йил якуни билан** Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Ташқи ишлар вазирлиги ва Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги элчихоналари билан биргаликда АҚШ ва Европа давлатлари бозорларига тайёр кийим-кечак маҳсулотлари экспорти ҳажмини **200 миллион АҚШ долларига** етказиш бўйича амалий чоратадбирларни амалга оширсин.

12. Ташқи ишлар вазирлиги Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги элчихоналари билан биргаликда:

- (а) **бир ҳафта** муддатда тўқимачилик ва тикув-трикотаж соҳасида йиллик айланмаси **1 миллиард АҚШ долларидан** ошадиган йирик брендлар билан ишлаш бўйича “йўл харитаси”ни ишлаб чиқиб, тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

(б) жорий йил **октябрь ойида** Тошкент шаҳрида ўтказиладиган тўқимачилик кўргазмасида ушбу компаниялар иштирокини таъминласин.

13. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Савдо-саноат палатасининг қуйидаги таклифлари маъқуллансин:

(а) Андижон вилоятининг Пахтаобод, Қашқадарё вилоятининг Косон ва Тошкент вилоятининг Юқори Чирчиқ туманларида қурилаётган тўқимачилик саноати зоналарида сувни тозалаш иншооти қурилишига давлат-хусусий шериклик асосида хорижий инвесторларни жалб қилиш;

(б) мазкур мақсадларга Савдо-саноат палатаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 16 январдаги “Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатида қайта ишлаш занжирини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ–6-сон Фармони 2-банди “б” кичик бандида назарда тутилган 15 миллион АҚШ долларини ва Тармоқларни қўллаб-қувватлаш жамғармасидан бўяш ускуналари харидини субсидиялаш учун назарда тутилган маблағнинг қолдиқ қисмини йўналтириш.

V. Қарор ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат

14. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Солиқ қўмитаси билан биргаликда **уч ой** муддатда мазкур қарорнинг 8-бандидан келиб чиқиб, Солиқ кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни назарда тутувчи қонун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

15. Энергия самарадорлиги миллий агентлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Енгил саноатни ривожлантириш агентлиги **бир ой муддатда** тўқимачилик саноати корхоналарида энергия самарадорлигини қўллаб-қувватлаш мақсадида тижорат банклари томонидан уларнинг ўз эҳтиёжлари учун қуёш панелларини ўрнатишга ажратиладиган

кредитлар бўйича фоиз ставкасининг **10 фоиз** бандигача қисмини компенсация қилиш тартибини Вазирлар Маҳкамасига киритсин. Бунда:

(а) компенсациялар тўқимачилик корхоналарида ўтказилган энергия аудити хулосалари асосида “Энергия самарадорлигини ошириш” рақамли платформаси орқали харид қилинган қуёш панелларига нисбатан қўлланиши;

(б) иқтисод қилинган маблағлар мақсадли равишда корхоналарда энергия самарадорлигини ошириш тадбирларига йўналтирилиши назарда тутилсин.

16. Вазирлар Маҳкамаси:

(а) **икки ҳафта** муддатда мазкур қарорнинг 5-бандида назарда тутилган маблағларни ажратиш тартибини тасдиқласин;

(б) **жорий йил 1 ноябрга қадар** тўқимачилик саноати корхоналарининг ўз эҳтиёжлари учун қуёш панелларини ўрнатишга ажратиладиган кредитлар бўйича фоиз ставкасининг **10 фоиз** бандигача қисмини компенсация қилиш тартибини тасдиқласин.

17. Тўқимачилик ва **тикув-трикотаж** саноатида ислохотларни жадаллаштириш бўйича белгиланган вазифаларни амалга оширишга доир чора-тадбирлар дастури **иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

18. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Бош вазир ўринбосарлари Ж.А. Қўчқоров ҳамда Ж.А. Ходжаев белгилансин.

19. Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**



Ш. Мирзиёев

Тошкент шаҳри

**Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатида ислоҳотларни жадаллаштириш бўйича
белгиланган вазифаларни амалга оширишга доир**

ЧОРА-ТАДБИРЛАР ДАСТУРИ

Т/р	Чора-тадбирнинг номланиши	Амалга ошириш механизми	Ижро мuddати	Масъул ижрочилар
I. Пахта-тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноати корхоналарини молиявий соғломлаштиришга қаратилган амалий чора-тадбирлар				
1.	Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан ажратилган кредитлар бўйича қарздорликларни реструктуризация қилиш.	<p>Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан тижорат банклари орқали 2022–2023 йиллар пахта ҳосилига ажратилган кредитлардан қарздорлиги мавжуд пахта-тўқимачилик кластерлари бўйича:</p> <p>1. Гаров таъминотини тўлиқ таъминлаган (мол-мулк) кластерларга 2025 йил 1 августдан бошлаб фақат асосий қарзни тўлашга ҳамда асосий қарз тугагандан кейинги 12 ойда тенг улۇшларда фоиз тўлашга рухсат этиш.</p> <p>2. Амалдаги тўлов графиги бўйича ҳам асосий қарз ҳам фоизларни ўз вақтида тўлаган кластерларга ушбу кредитлар бўйича қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармасига жорий йил 1 августдан кейин ундирилган фоиз суммасининг 50 фоизини қайтариб бериш.</p>	2025–2026 йиллар	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (А.Ҳайдаров), Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси (А.Исроилов), Енгил саноатни ривожлантириш агентлиги, Марказий банк (Т.Ишметов), тижорат банклари

Т/р	Чора-тадбирнинг номланиши	Амалга ошириш механизми	Ижро мuddати	Масъул ижрочилар
		<p>3. Гаров таъминотини тўлиқ таъминлаган кластерларга кредитнинг тўланмаган қисмига ҳисобланиб 2025 йил 1 август ҳолатига ҳосил бўлган пеня суммаларини ҳисобдан чиқариш.</p> <p>4. Гаров таъминотини тўлиқ таъминлаган кластерларга кредитнинг тўланмаган қисмига ҳисобланиб 2025 йил 1 августга қадар ундирилган пеня суммаларини тўлиқ равишда кредит бўйича асосий қарзни камайтиришга, асосий қарз мавжуд бўлмаган тақдирда амалдаги бошқа кредитларнинг асосий қарзини қоплашга йўналтириш.</p>	<p>2025 йил 15 октябрь</p> <p>2025 йил 15 октябрь</p>	
2.	<p>Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармасига Давлат бюджетидан ажратилган ссуда суммасини мувофиқлаштириш.</p>	<p>Тижорат банклари томонидан 2025 йил 1 августга қадар ундирилган ва асосий қарзни камайтирган ҳолда Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармасига йўналтирилган пеня суммаларини, Давлат бюджетидан Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармасига ажратилган ссудани тўлов графигидан чегириб ташлаш.</p>	<p>2025 йил 15 октябрь</p>	<p>Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (А.Ҳайдаров), Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб- қувватлаш жамғармаси (А.Исроилов), Енгил саноатни ривожлантириш агентлиги, Давлат молиявий назорати инспекцияси (Т.Ражабов)</p>

Т/р	Чора-тадбирнинг номланиши	Амалга ошириш механизми	Ижро мuddати	Масъул ижрочилар
3.	<p>Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан ажратилган кредитлар бўйича қарздорликларни реструктуризация қилиш жараёнларини назорат қилиш.</p>	<p>1. Кластерлар ва ип-йигирув корхоналарининг ҳар бирига Давлат молиявий назорати инспекцияси ва Солиқ қўмитасининг масъул ходимларини бириктириш.</p> <p>2. Қарорнинг 3-бандида белгиланган чора-тадбирлар ижроси сўзсиз ва сифатли таъминланиши устидан қатъий назорат ўрнатиш.</p> <p>3. Амалга оширилган ишлар юзасидан 2025 йилнинг 10 октябрга қадар Президент Администрациясига ахборот киритиш.</p>	<p>2025 йил 25 сентябрь</p> <p>2025 йил 10 октябрь, кейинчалик доимий</p> <p>2025 йил 10 октябрь</p>	<p>Давлат молиявий назорати инспекцияси (Т.Ражабов), Солиқ қўмитаси (Ш.Кудбиев)</p>
4.	<p>Пахта ҳосилини нобуд қилмасдан йиғиб олишни рағбатлантириш.</p>	<p>Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан:</p> <p>а) 2025 йил пахта ҳосилини нобуд қилмасдан, ўз вақтида териб олишни таъминлаш мақсадида фермер хўжалиқларига улар томонидан пахта-тўқимачилик кластерларига сотилган ҳар бир тонна пахта хомашёси учун 1 миллион сўмдан субсидия ажратиш;</p> <p>б) ўз маблағлари ҳисобидан пахта етиштирган ёки пахта хомашёсини харид қилган пахта-тўқимачилик корхоналарига хомашё қийматининг 10 фоизини қоплаб бериш.</p>	<p>2025 йил сентябрь–ноябрь, кейинчалик ҳақиқатда сотилган ҳажмларга мувофиқ</p>	<p>Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (А.Ҳайдаров), Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси (А.Исроилов), Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (И.Абдурахмонов)</p>

Т/р	Чора-тадбирнинг номланиши	Амалга ошириш механизми	Ижро мuddати	Масъул ижрочилар
5.	Тижорат кредитидан мажбурияти мавжуд бўлган кластерлар, тўқимачилик ва тикув-трикотаж корхоналарини соғломлаштириш.	<p>1. Тижорат кредитидан қарздорлиги мавжуд бўлган 144 та корхонани соғломлаштириш чораларини белгилаш.</p> <p>2. Соғломлаштириш имконияти мавжуд деб топилган корхоналарнинг кредитлари мuddатини 7 йилгача узайтириб бериш.</p>	2025 йил ноябрь	Вазирлар Маҳкамаси (Ж.Қўчқоров), Марказий банк (А.Турдалиев), Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (И.Абдурахмонов), Енгил саноатни ривожлантириш агентлиги
6.	Пахта-тўқимачилик кластерлари ва ип-йигирув ва ип-йигирув корхоналари ўртасида самарали кооперация тизимини йўлга қўйишни рабатлантириш.	Пахта-тўқимачилик кластерлари ва ип-йигирув корхоналари ўртасида самарали кооперация тизимини йўлга қўйиш учун қўлай молиявий механизмларни жорий қилиш бўйича таклифларни Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритиш.	2025 йил ноябрь	Вазирлар Маҳкамаси (Ж.Қўчқоров, Ж.Ходжаев), Марказий банк (А.Турдалиев), Енгил саноатни ривожлантириш агентлиги
7.	Пахта-тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноати корхоналарига ижтимоий солиқ ставкасини 1 фоиз этиб белгилаш бўйича қонун ҳужжатларига ўзгартириш киритиш.	Қарордан келиб чиқиб, Солиқ кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича қонун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	2025 йил 15 ноябрь	Енгил саноатни ривожлантириш агентлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (А.Ҳайдаров), Солиқ қўмитаси (Ш.Кудбиев)
8.	Енгил саноат соҳасида корхоналарни молиявий соғломлаштириш, тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш чораларини кўриш.	<p>Чора-тадбирлар дастурида:</p> <p>1. Соҳадаги тадбиркорлар билан муҳокама қилган ҳолда таннархни пасайтириш, ишлаб чиқариш ва экспорт ҳажмларини ошириш, тармоқларо ва ички кооперацияни</p>	2025 йил ноябрь, кейинчалик чора-тадбирларда	Вазирлар Маҳкамаси (Ж.Қўчқоров, Ж.Ходжаев), Енгил саноатни ривожлантириш агентлиги, Марказий банк (А.Турдалиев),

Т/р	Чора-тадбирнинг номланиши	Амалга ошириш механизми	Ижро мuddати	Масъул ижрочилар
		<p>кенгайтириш, паст қувватда ишлаётган корхоналарни соғломлаштириш.</p> <p>2. Енгил саноат соҳаси корхоналарининг молиявий ҳолатини таҳлил қилиб уларга айланма маблағларини шакллантириш учун қўлай шартларда кредит маҳсулотларини тақдим этиш.</p> <p>3. “Божхона ҳудудида қайта ишлаш” божхона режими орқали тайёр маҳсулотлар экспортини икки баробарга оширишни назарда тутиш.</p>	<p>назарда тутилган мuddатларда</p>	<p>Божхона қўмитаси (А.Мавлонов)</p>
9.	<p>Пахта хомашёсини қабул қилишдан тортиб қайта ишлашгача бўлган жараёнларни автоматлашган ҳисобга олиш тизимини жорий қилиш.</p>	<p>Пахта-тўқимачилик кластерлари ва бошқа тўқимачилик корхоналари томонидан пахта хомашёсини қабул қилиш ҳамда қайта ишлашдан олинган маҳсулотларни (тола, калава ва бошқалар) автоматлашган мажбурий ҳисобга олиш тизимини (маркировка) жорий қилиш.</p>	<p>2026 йил 1 январь</p>	<p>Енгил саноатни ривожлантириш агентлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (И.Абдураҳмонов), Рақамли технологиялар вазирлиги (О.Пекозь)</p>
10.	<p>Ҳосилдорлиги паст бўлган экин майдонларига бошқа сердаромад экин турларини жойлаштириш бўйича таклиф</p>	<p>Ҳосилдорлиги паст бўлган экин майдонларига бошқа сердаромад экин турларини жойлаштириш бўйича таклиф ишлаб чиқиш ва Вазирлар Маҳкамасига</p>	<p>2026 йил 1 январь</p>	<p>Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (И.Абдураҳмонов), Кадастр агентлиги (Ф.Пулатов),</p>

Т/р	Чора-тадбирнинг номланиши	Амалга ошириш механизми	Ижро мuddати	Масъул ижрочилар
	ишлаб чиқиш.	киритиш.		“Ўзбеккосмос” агентлиги (Ш.Кадиров), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари
II. Имтиёзлар				
11.	Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган аралаш мато, газлама маҳсулотлари, шунингдек, чарм ва ипак саноати учун зарур хомашёларни божхона божидан озод этиш.	<p>1. Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган аралаш мато, газлама, чарм ва ипак маҳсулотлари рўйхатини шакллантириш ҳамда “Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази” ДУКга киритиш.</p> <p>2. Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган аралаш мато, газлама маҳсулотлари, чарм ва ипак саноати учун зарур хомашёлар рўйхатини экспертизадан ўтказиш.</p> <p>3. Экспертиза натижаларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига четдан олиб киришда божхона божларидан озод қилинадиган Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган аралаш мато, газлама маҳсулотлари, чарм ва ипак саноати учун зарур хомашёлар рўйхатини тасдиқлашни назарда tutувчи Ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритиш.</p>	<p>2025 йил 20 октябрь</p> <p>2025 йил 1 ноябрь</p> <p>2025 йил 15 ноябрь</p>	<p>Енгил саноатни ривожлантириш агентлиги, Божхона қўмитаси (А.Мавлонов), “Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази” ДУК (М.Аллабергенов)</p>

Т/р	Чора-тадбирнинг номланиши	Амалга ошириш механизми	Ижро мuddати	Масъул ижрочилар
III. Тўқимачилик ва тикув-трикотаж корхоналарида ишлаб чиқариш ва экспорт ҳажмини оширишни қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар				
12.	Тўқимачилик ва тикув-трикотаж корхоналари учун қулай экспорт олди молиялаштириш механизмларини йўлга қўйиш.	Тижорат банкларида қулай экспорт олди молиялаштиришни йўлга қўйиш бўйича “Ишончли экспортчи” дастурини ишга тушириш.	2025 йил 10 октябрь	Марказий банк (Н.Сайдуллаев)
13.	Ишлаб чиқариш корхоналари томонидан қуёш панелларида ўз истеъмолидан ортиқ ишлаб чиқарилган электр энергиясини ягона энергетика тизимига қабул қилиш, ростлаш ва сотиб олиш тартибини амалиётга жорий қилиш.	Ишлаб чиқариш корхоналари томонидан қуввати 1 МВтдан ортиқ қуёш панелларида ўз истеъмолидан ортиқ ишлаб чиқарилган электр энергиясини ягона энергетика тизимига қабул қилиш, ростлаш ва сотиб олиш тартибини жорий қилиш бўйича қарор лойиҳасини ишлаб чиқиш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	2025 йил 1 ноябрь	Энергетика вазирлиги (Ж.Мирзамаҳмудов), Енгил саноатни ривожлантириш агентлиги
14.	Ишлаб чиқариш корхоналарида қуёш фотоэлектр станцияларини қуриш ишларини молиялаштириш бўйича қулай кредит линияларини жорий қилиш.	Ишлаб чиқариш корхоналарида қуёш фотоэлектр станцияларини қуриш ишларини молиялаштириш мақсадида халқаро молия институтлари ҳамда хорижий банкларнинг 200 миллион АҚШ доллари миқдоридagi узоқ мuddатли имтиёзли кредит линияларини жалб қилиш.	2025 йил 1 ноябрь	Вазирлар Маҳкамаси (Ж.Ходжаев), Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги (Л.Кудратов)
15.	Ишлаб чиқариш корхоналарида қуёш фотоэлектр станцияларини қуриш харажатларининг бир қисмини	Ишлаб чиқариш корхоналарида қуёш фотоэлектр станцияларини қуриш мақсадида олинadиган кредитлар бўйича кредит фоизи ставкасининг 10 фоизгача қисмини Энергия	2025 йил 1 ноябрь	Энергия самарадорлиги миллий агентлиги (З.Бадриддинов)

Т/р	Чора-тадбирнинг номланиши	Амалга ошириш механизми	Ижро мuddати	Маъсул ижрочилар
	қоплаб бериш.	самарадорлигини рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармасидан қоплаб беришни йўлга қўйиш.		
16.	Республиканинг аралаш газлама ишлаб чиқариш қувватларини ошириш.	2025 йил якунигача камида 100 минг тонналик аралаш газлама ишлаб чиқариш лойиҳаларини бошлаш.	2025 йил 31 декабрь	Вазирлар Маҳкамаси (Ж.Ходжаев), Енгил саноатни ривожлантириш агентлиги
17.	Олис туманларда йирик тўқимачилик ва тикув-трикотаж корхоналарининг тикувчилик фабрикаларини (филиалларини) ишга тушириш.	Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда 2025 йил якунига қадар 20 та туманда, 2026 йилда 30 та туманда тикувчилик фабрикаларини ишга тушириш.	2025–2026 йиллар	Вазирлар Маҳкамаси (Ж.Ходжаев), Енгил саноатни ривожлантириш агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари
18.	Ўз бозорига эга хорижий бренд компанияларининг ишлаб чиқариш қувватларини Ўзбекистон Республикасига олиб келиш.	1. Ўз бозорига эга ва ишлаб чиқариш корхонасини Ўзбекистон Республикасига кўчирмоқчи бўлган хорижий бренд компаниялари билан музокаралар ўтказиш. 2. Музокаралар натижасига кўра ишлаб чиқариш корхонасини Ўзбекистон Республикасига кўчириш истагини билдирган бренд компанияларни қўллаб-қувватлаш (бож тўловидан озод этиш ва логистика харажатиинг бир қисмини қоплаш) бўйича таклиф ишлаб чиқиш.	2025 йил 1 ноябрь 2025 йил 31 декабрь	Вазирлар Маҳкамаси (Ж.Ходжаев), Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги (Л.Кудратов), Енгил саноатни ривожлантириш агентлиги

Т/р	Чора-тадбирнинг номланиши	Амалга ошириш механизми	Ижро мuddати	Масъул ижрочилар
19.	Жалб қилинган хорижий брендлар мутахассисларнинг иш ҳақини қоплаб бериш.	“Бухоро зарҳал” кластери томонидан жалб қилинган Германиянинг “Коурт Бауер” бренди учун ишлаётган хорижий мутахассислар иш ҳақининг 50 фоиз қисмини қоплаб бериш тартибини тасдиқлаш.	2025 йил 1 ноябрь	Вазирлар Маҳкамаси (Ж.Ходжаев), Енгил саноатни ривожлантириш агентлиги
20.	Хорижий давлатларда тўқимачилик корхоналарининг савдо уйлари очиш.	АҚШнинг Сент-Луис ва Нью-Йорк шаҳарларида тўқимачилик корхоналарининг савдо уйлари очиш.	2025 йил 1 ноябрь	Савдо-саноат палатаси (Д.Ваҳобов), Ташқи ишлар вазирлиги (Б.Аълоев), Ўзбекистоннинг АҚШдаги элчихонаси (Ф.Сидиков)
21.	Ички бозорда тола нархининг асоссиз ошиб кетишининг олдини олиш.	Толани қайта ишлаш қуввати етарли бўлмаган корхоналар томонидан тола спекуляциясини олдини олишга қаратилган чораларни кўриб бориш ва амалга оширилган ишлар бўйича Вазирлар Маҳкамасига ахборот киритиш.	Ҳар чорақда	Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси (Х.Турахужаев)
22.	Андижон вилоятининг Пахтаобод, Қашқадарё вилоятининг Косон ва Тошкент вилоятининг Юқори Чирчиқ туманларида қурилаётган тўқимачилик саноати зонаси ҳудудида сувни тозалаш	1. Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш марказида мазкур объектлар учун тайёрланган лойиҳаларни белгиланган тартибда экспертизадан ўтказиш. 2. Мазкур лойиҳалар белгиланган тартибда экспертизадан ўтказилганидан сўнг давлат шериги томонидан қурилиш ишлари, асбоб-	2025 йил 1 ноябрь	Савдо-саноат палатаси (Д.Ваҳобов), Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (И.Умурзаков), “Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс

Т/р	Чора-тадбирнинг номланиши	Амалга ошириш механизми	Ижро мuddати	Масъул ижрочилар
	иншооти қурилиши ва ишга туширилишини таъминлаш.	<p>ускуналар ва техникалар харидларининг бир қисмини молиялаштириш учун Савдо-саноат палатаси ҳузурида ташкил қилинган бошқарув компанияларига Андижон вилоятининг Пахтаобод ҳамда Қашқадарё вилоятининг Косон туманларида қуриладиган сувни тозалаш иншоотига 7,4 млн АҚШ доллари, Тошкент вилоятининг Юқори Чирчиқ туманида қуриладиган сувни тозалаш иншоотига 13 млн АҚШ доллари миқдорида Тармоқларни қўллаб-қувватлаш жамғармасидан бўйаш ускуналари хариди субсидияси учун назарда тутилган маблағнинг 20,4 млн АҚШ доллари қисмини йўналтириш.</p> <p>3. Лойиҳаларга хусусий инвесторни жалб қилиш ва давлат-хусусий шериклик асосида амалга ошириш чораларини кўриш.</p>		<p>экспертиза қилиш маркази” ДУК (М.Аллабергенов)</p>
23.	Тўқимачилик ва тикув-трикотаж соҳасида йирик брендлар билан ишлашни ташкил қилиш.	<p>1. Тўқимачилик ва тикув-трикотаж соҳасида йиллик айланмаси 1 миллиард АҚШ долларидадан ошадиган йирик брендлар билан ишлаш бўйича “йўл харита”сини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритиш.</p> <p>2. Жорий йилнинг 14–16 октябрь кунлари Тошкент шаҳрида ўтказиладиган халқаро “Heimtextil Uzbekistan 2025” тўқимачилик кўргазмасида ушбу бренд компаниялар иштирокини таъминлаш.</p>	<p>2025 йил 10 октябрь</p> <p>2025 йил 20 октябрь</p>	<p>Ташқи ишлар вазирлиги (Б.Аълоев), Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги (Л.Кудратов)</p>

Т/р	Чора-тадбирнинг номланиши	Амалга ошириш механизми	Ижро мuddати	Масъул ижрочилар
24.	АҚШ бозорига маҳаллий тўқимачилик маҳсулотлари экспортини ошириш чораларини кўриш.	АҚШнинг "Ай-Ти-Эф груп" логистика компанияси билан давлат-хусусий шериклик асосида Тошкент шаҳрида логистика компаниясини ташкил этиш.	2025 йил 1 ноябрь	Вазирлар Маҳкамаси (Ж.Ходжаев), Савдо-саноат палатаси (Д.Ваҳобов), Ўзбекистоннинг АҚШдаги элчихонаси (Ф.Сидиков)





O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING QARORI

2025 yil « 19 » сентябрь

№ ПП–290

О мерах по ускорению реформ и расширению экспортного потенциала в текстильной и швейно-трикотажной промышленности

В целях дальнейшего ускорения осуществляемых реформ в текстильной и швейно-трикотажной промышленности, создания благоприятных условий для диверсификации отрасли, а также глубокой переработки сырья и повышения экспорта готовой продукции **постановляю:**

I. Основные цели

1. Определить основными **целевыми показателями**, подлежащими достижению в текстильной и швейно-трикотажной промышленности, на 2026 год:
 - (а) обеспечение роста объемов производства на **9 процентов** и доведение его до **146 триллионов сумов**;
 - (б) привлечение в отрасль иностранных инвестиций в размере **2 миллиардов долларов США**;
 - (в) доведение экспорта до **3,3 миллиарда долларов США**;
 - (г) создание **50 тысяч** рабочих мест в рамках реализуемых в отрасли проектов.

II. Практические меры, направленные на финансовое оздоровление предприятий хлопково-текстильной и швейно-трикотажной промышленности

2. Согласиться с предложением Министерства экономики и финансов, Центрального банка о реализации мер, направленных на финансовое оздоровление предприятий хлопково-текстильной и швейно-трикотажной промышленности.

3. Установить, что в рамках мер финансового оздоровления предприятий хлопково-текстильной и швейно-трикотажной промышленности по **хлопково-текстильным кластерам**, имеющим задолженность по кредитам, выделенным за счет средств Фонда государственной поддержки сельского хозяйства (далее – Фонд) на урожай хлопка 2022–2023 годов посредством коммерческих банков (далее – кластеры):
- (а) кластерам, полностью обеспечившим имуществом залоговое обеспечение, разрешается с **1 августа 2025 года** оплачивать только основной долг, после погашения основного долга – проценты равными долями в течение последующих 12 месяцев. При этом Фонд осуществляет процентные выплаты по бюджетной ссуде соразмерно платежам, предусмотренным настоящим пунктом;
 - (б) кластерам, своевременно оплатившим в соответствии с действующим графиком погашения как основной долг, так и проценты, возвращается 50 процентов сумм процентов, взысканных по данным кредитам в Фонд после 1 августа текущего года;
 - (в) **суммы пени**, начисленные за проценты, неоплаченные по состоянию на **1 августа 2025 года**, списываются;
 - (г) суммы пени, взысканные за проценты, неоплаченные до **1 августа 2025 года**, направляются в полном объеме **на уменьшение основного долга по кредитам**, при отсутствии основного долга – на погашение основного долга **по другим действующим кредитам**;
 - (д) суммы пени, взысканные и направленные до 1 августа 2025 года в Фонд коммерческими банками с уменьшением основного долга, вычитаются за счет снижения суммы в графике платежей ссуды, выделенной Фонду из Государственного бюджета. При этом сумма вычета определяется Инспекцией по государственному финансовому надзору.

4. Генеральной прокуратуре и Налоговому комитету:

- (а) в **однодневный срок** прикрепить к каждому кластеру и прядильному предприятию, которым за неоплаченные проценты начислены пени, ответственных работников Инспекции по государственному финансовому надзору и Налогового комитета;
- (б) установить строгий контроль за безусловным и качественным выполнением мер, определенных пунктом 3 настоящего постановления;
- (в) в срок **до 10 октября 2025 года** внести в Администрацию Президента Республики Узбекистан информацию о проделанной работе.

5. За счет средств, выделяемых из Государственного бюджета, посредством Фонда:

- (а) в целях обеспечения своевременного сбора без потерь урожая хлопчатника 2025 года выделить фермерским хозяйствам субсидии в размере **одного миллиона сумов** за каждую тонну хлопка-сырца, реализованную ими на биржевых торгах (на которую оформлен электронный счет-фактура) перерабатывающим предприятиям, в том числе кластерам;
- (б) возместить 10 процентов стоимости сырья в случае выращивания или закупки хлопчатника кластерами и отраслевыми предприятиями за счет их собственных средств.

6. Определить, что начиная с 2026 года:

- (а) льготные кредиты, выделяемые из Фонда на урожай хлопчатника, предоставляются исключительно кластерам, имеющим мощности переработки хлопкового волокна либо наладившим систему кооперации с прядильными предприятиями;
- (б) при закупке хлопка-сырца посредством биржевых торгов договоры (фьючерсные, форвардные и спотовые) заключаются в объемах, соответствующих производственной мощности кластеров.
- (в) не допускается закупка хлопка-сырца на основе фьючерсного контракта через биржевые торги кластерами и текстильными предприятиями, не возвратившими в полном объеме в установленные сроки льготные кредиты, выделенные за счет средств Фонда за итоговые расчеты урожая хлопка в год, предшествующий финансовому году.

7. Заместителю Премьер-министра Кучкарову Д., Центральному банку, Агентству по развитию легкой промышленности в месячный срок:

- (а) разработать конкретные меры по оздоровлению кластеров, текстильных и швейно-трикотажных предприятий, имеющих обязательства по коммерческим кредитам, в разрезе каждого предприятия;
- (б) принять меры по продлению срока коммерческих кредитов предприятий, признанных имеющими возможность оздоровления, **до 7 лет.**

III. Льготы

8. Начиная с 1 сентября 2025 года на срок три года:

- (а) установить ставку социального налога для хлопково-текстильных кластеров, предприятий текстильной и швейно-трикотажной промышленности – **1 процент;**
- (б) освободить от таможенной пошлины не производимые в Республике Узбекистан смесовые ткани и полотно, необходимое сырье для кожевенной и шелковой промышленности, ввозимые по перечням, формируемым в установленном порядке.

9. Определить выделение из Государственного бюджета субсидии дошкольным образовательным организациям, образованным хлопково-текстильными и швейно-трикотажными предприятиями, в которых количество работников, осуществляющих трудовую деятельность на основании трудового договора, превышает **200 человек, на условиях, установленных для негосударственных семейных дошкольных образовательных организаций.**

IV. Дополнительные меры по поддержке увеличения объемов производства и экспорта на текстильных и швейно-трикотажных предприятиях

10. В целях поддержки повышения энергоэффективности на производственных предприятиях:

- (а) порядок приема в единую энергетическую систему и покупки излишков от собственного потребления производственными предприятиями электроэнергии, выработанной посредством солнечных панелей более 1 МВт, определяется Кабинетом Министров;

- (б) часть **до 10 процентных пунктов** процентной ставки кредитов, получаемых для строительства солнечных фотоэлектрических станций на производственных предприятиях, компенсируется за счет средств Фонда стимулирования и поддержки энергоэффективности;
- (в) для финансирования работ по строительству солнечных фотоэлектрических станций на производственных предприятиях привлекаются долгосрочные льготные кредитные линии международных финансовых институтов и иностранных банков в размере **200 миллионов долларов США**.

11. Узбекскому агентству по техническому регулированию:

- (а) в срок **до 1 августа 2026 года** довести количество текстильных и швейно-трикотажных предприятий, имеющих международный сертификат, до **300**;
- (б) в срок **до конца 2025 года** совместно с Советом Министров Республики Каракалпакстан, хокимиятами областей и города Ташкента, а также Министерством иностранных дел и посольствами Республики Узбекистан в зарубежных государствах осуществить практические меры для доведения до **200 миллионов долларов США** объема экспорта готовой одежды на рынки США и государств Европы.

12. Министерству иностранных дел совместно с Министерством инвестиций, промышленности и торговли, а также посольствами Республики Узбекистан в зарубежных государствах:

- (а) в **недельный срок** разработать и внести на утверждение в Кабинет Министров «Дорожную карту» по работе с крупными брендами в текстильной и швейно-трикотажной отрасли с годовым оборотом **свыше 1 миллиарда долларов США**;

(б) обеспечить участие данных компаний в текстильных выставках, проводимых в **октябре** текущего года в городе Ташкенте.

13. Одобрить предложения Министерства экономики и финансов, а также Торгово-промышленной палаты о:

(а) привлечении на основе государственно-частного партнерства зарубежных инвесторов для строительства водоочистных сооружений в текстильных промышленных зонах, строящихся в Пахтаабадском районе Андижанской области, Касанском районе Кашкадарьинской области и Юкоричирчикском районе Ташкентской области;

(б) направлении Торгово-промышленной палатой на указанные цели средств, предусмотренных подпунктом «б» пункта 2 Указа Президента Республики Узбекистан от 16 января 2025 года № УП–6 «О дополнительных мерах по развитию цепочки переработки в текстильной и швейно-трикотажной промышленности», в размере 15 миллионов долларов США и части остаточных средств из Фонда поддержки отраслей, предусмотренных на субсидирование закупки красильного оборудования.

V. Организация, обеспечение и контроль исполнения постановления

14. Министерству экономики и финансов совместно с Налоговым комитетом в **трехмесячный срок** представить в Кабинет Министров проект закона, предусматривающий внесение изменений и дополнений в Налоговый кодекс, вытекающих из пункта 8 настоящего постановления.

15. Национальному агентству энергоэффективности, Министерству экономики и финансов, Агентству по развитию легкой промышленности в **месячный срок** внести в Кабинет Министров порядок компенсации части до **10** процентных пунктов процентной ставки кредитов,

выделяемых коммерческими банками в целях поддержки энергоэффективности на предприятиях текстильной промышленности на установку солнечных панелей для их собственных нужд. При этом предусмотреть:

- (а) применение компенсации на солнечные панели, приобретенные посредством Цифровой платформы «Повышение энергоэффективности», на основании заключения энергоаудита, проведенного на текстильных предприятиях;
- (б) целевое направление сэкономленных средств для мероприятий по повышению энергоэффективности на предприятиях.

16. Кабинету Министров:

- (а) в **двухнедельный срок** утвердить порядок выделения средств, предусмотренных пунктом 5 настоящего постановления;
- (б) в срок **до 1 ноября текущего года** утвердить порядок компенсации части до **10** процентных пунктов процентной ставки кредитов, выделяемых на установку предприятиями текстильной промышленности солнечных панелей для их потребностей.

17. Утвердить Программу мер по реализации установленных задач ускорения реформ в текстильной и швейно-трикотажной промышленности согласно приложению.

18. Возложить на заместителей Премьер-министра Кучкарова Д.А. и Ходжаева Ж.А. персональную ответственность за эффективную организацию исполнения настоящего постановления.

19. Обсуждение хода исполнения настоящего постановления, осуществление координации и контроля за деятельностью организаций, ответственных за его исполнение, возложить на Премьер-министра Республики Узбекистан Арипова А.Н.

**Президент
Республики Узбекистан**



Ш. Мирзиёев

город Ташкент

Приложение приводится на узбекском языке.